



“ 1 ” май 2020 й.

№ 1199

Янгибозор шаҳарчаси

Янгибозор тумани Қаландардўрман қишлоғида яшовчи фуқаро Салаев Равшон Юсупбаевичга фермер хўжалиги ташкил қилиш учун ижарага ер майдони ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 6, 53-моддалари, “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Қонуни, Қаландардўрман қишлоғида яшовчи фуқаро Салаев Равшон Юсупбаевичнинг фермер хўжалиги ташкил қилиш учун ижарага ер майдони ажратиб беришни сўраб ёзган аризасига, туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи туман комиссияси томонидан лойиҳалаштирилган участкаларида фермер хўжалиги ташкил этиш бўйича ўтказилган очиқ танлов яқунлари натижаларига, туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгашининг хулосасига ҳамда “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6-моддасига асосан

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Янгибозор туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи туман комиссияси томонидан лойиҳалаштирилган ер участкаларида фермер хўжалиги ташкил этиш бўйича ўтказилган очиқ танлов яқунлари натижалари, туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгашининг хулосаси ижро учун қабул қилинсин.

2. Янгибозор тумани Қаландардўрман қишлоғида яшовчи фуқаро Салаев Равшон Юсупбаевичга Ширинкўнғирот қишлоғининг туман ҳокими захира ер ҳисобидаги № 628к-контурида жойлашган умумий ер майдони 4,0 гектар, шундан суғориладиган экин ери 4,0 гектардан иборат ер участкасида боғдорчилик йўналишида фермер хўжалиги ташкил қилиш учун ажратиб берилсин ҳамда ижара муддати 40 йил қилиб белгилансин.

3. Янгибозор тумани Қаландардўрман қишлоғида яшовчи фуқаро Салаев Равшон Юсупбаевичга ер майдони ажратилиши муносабати билан туман ҳокими ва фермер хўжалиги раҳбари Р.Салаев ўртасида тузиладиган ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш шартномасини тайёрлаб, вилоят ҳокимининг қарори қабул қилингандан кейин расмийлаштириб жойида ер майдонларини далолатнома асосида топшириш туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (Р. Рахимов) зиммасига юклатилсин.

4. Янгибозор тумани Қаландардўрман қишлоғида яшовчи фуқаро Салаев Равшон Юсупбаевичга ажратилаётган 4,0 гектар экин ер майдонида Туркия технологиялари асосида янгидан интенсив боғзор ташкил қилиш вазифаси топширилсин.

5. Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари (Ж.Халметов)га фуқаро Салаев Равшон Юсупович ва Туркия компаниялари билан кўчатлар етказиб бериш бўйича шартномалар туздирish вазифаси топширилсин.

6. Фуқаро Салаев Равшон Юсуповичга:

- ердан ер қонунчилиги асосида белгиланган мажбуриятларга амал қилган ҳолда самарали фойдаланиш;
- туман Статистика ва Солиқ идораларига белгиланган муддатларда ҳисоботларни тақдим этиб бориш;
- ер участкасидан қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлиги (уч йил учун ўртача йиллик ҳосил ҳисобида) ернинг кадастр баҳосидан кам бўлмаслигини таъминлаш;
- ерлардан ер қонунчилигида қайд этилган мажбуриятларни бажарган ҳолда самарали фойдаланиш ва доимий равишда тупроқ унумдорлигини ошириб бориш тасидан зарур чора-тадбирларни кўриш вазифаси юклансин.

7. Ушбу қарорга асосан туман қишлоқ хўжалиги бўлими, туман статистика бўлими, туман давлат солиқ инспекцияси ҳамда туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимлари ҳисоботларига тегишли ўзгартиришлар киритсин.

8. Ушбу қарор халқ депутатлари туман Кенгаши сессиясига тасдиқлаш учун киритилсин.

9. Ушбу қарорнинг тасдиғи ер участкаларини бериш (реализация қилиш) салаларини кўриб чиқувчи вилоят комиссиясидан сўралсин.

10. Ушбу қарор ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман

Туман ҳокими



Ў.Курбанов